ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИБ 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? 6-бет

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЧОРАК ФИНАЛИДА 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 141 (10.194) / 2004 ЙИЛ 23 ИЮЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Сергели туманидаги «Йўлдош» маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тузилган «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида болалар иштирокида кўчма оммавий спорт ўйинлари уюштирилди.

● **БУГУН** шаҳримиздаги «Қипчоқ» маҳалласида «Маҳаллам кўчалари» шиори остида ободонлаштириш куни ўтказилди.

● **ЭРТАГА** Миробод туманида туман хотин-қизлар қўмитасининг пленуми бўлиб ўтади. Унда корхона, ташкилотлар, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла хотин-қизлар комиссияларида ўтказилган ҳисобот-сайлов анжуманларининг якунлари ва келгуси режалар муҳокама қилинади.

● **ЭРТАГА** «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар Маданият ишлари бош бошқармаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорликларида Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида уюштириладиган маданий-маърифий тадбир «Жаҳолатга қарши маърифат» деб номланади.

● **ШАҲРИМИЗДА** фаолият кўрсатаётган Меҳмондўстлик ва ахборот маркази қошидаги интеллектуал ёшлар ўқув маркази ташкил этилганлигига 2 йил тўлди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** «Карвон» бозор ҳудудида «Қурилиш дунё» масъулияти чекланган жамияти ҳомийлигида янги савдо маркази фаолият бошлади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 22 июль куни Оқсаройда Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жан-Бернар Харт ишонч ёрлиғини топширди.**

Франция Ўзбекистоннинг анъанавий савдо шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳам ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон-Франция муносабатларида илм-фан ва маданият соҳасидаги алоқалар алоҳида ўрин тутади.

Мамлакатимиз раҳбари дипломатни янги лавозимга тайинлангани муносабати билан қутлар экан, Ўзбекистон Франция билан икки томонлама муносабатларини янада ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Элчига бошлаётган фаолиятида муваффақият тилади.

Ж.Харт самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, ўз фаолияти давомида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади. Юртимизда улкан ўзгаришлар юз бераётганига гувоҳ бўлгани ва бу янгиланишлар Ўзбекистон-Франция муносабатларини сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ҳар томонлама ривожлантириш учун имкониятлар кўплигидан далолат беришини қайд этди.

* * *

**Шу куни Президент Ислом Каримов Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Петер Буркхарддан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.**

Швейцария турмуш ва аҳоли даромадлари бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Мамлакатда металлни қайта ишлаш, машинасозлик, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, тўқимачилик саноати ривожланган. Швейцария соатсозларининг маҳсулотларини бутун дунё эътироф этган.

Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида айниқса машинасозлик ва тўқимачилик саноати соҳаларида икки томонлама манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари катта. Мамлакатларимиз сайёҳлик борасида ҳам алоқаларни юксак самара билан ривожлантириши мумкин.

Шу масалалар юзасидан фикр алмашилган учрашувда Президент Ислом Каримов элчининг фаолиятига муваффақият тилади.

П.Буркхард Ўзбекистон-Швейцария муносабатларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш имконияти туғилганидан мамнуният изҳор этди. Умумий манфаатларимизга хизмат қиладиган хайрли ишларни бажариш йўлида ғайрат-шижоатини аямаслигини таъкидлади.

**(ЎзА)**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Беҳзод Йўлдошевнинг Буюк Британияда ўтказган учрашувлари давомида мамлакатларимиз илмий марказлари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.**

## ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖ ТОПМОҚДА

Британия академияси вице-президенти Николас Манн билан музокара ниҳоясида имзоланган битим ҳам истиқболда биргаликда қилинадиган ишларни назарда тутади. Қироллик жамияти ижроия котиби Стефан Кокс ўзбек ҳамкасби билан учрашиб, Миллий фанлар академияси Бирлашган Қиролликда британиялик мутахассислар билан илмий тадқиқотлар олиб боришга интилаётган ёш ўзбек олимларини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини маълум қилди. Айтиш жоизки, сўнгги тўрт йилда мамлакатимиз академик фанининг ўн олти нафар вакили Буюк Британия илмий тадқиқот ташкилотларида, ўз навбатида икки нафар инглиз олими Ўзбекистон илмий тадқиқот лабораторияларида бўлишди. Ҳозир Қироллик жамияти ўзбекистонлик олимларга Буюк Британия университетларида тадқиқот ишлари олиб бориш учун тўртта ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мақсадларига учта грант ажратди.

Беҳзод Йўлдошев Кембриж университети таркибига кирувчи Тринити, Нью Холл ва Исо коллежлари, шарқ тадқиқотлари, муҳандислик, антропология департаментлари ва Кавендиш лабораторияси раҳбарлари билан ҳам учрашди.

Лондон археология институти директори Питер Юко ҳамда археологик материаллар ва технологиялар профессори Тило Рихрен билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Самарқанд археология институти билан ҳамкорлик муваффақиятли ривожланаётгани қайд этилди. Сўнгги тўрт йил давомида икки институт олимлари Наманган вилоятидаги қадимий Ахсикент шаҳарчасида биргаликда қазилма ишларини олиб боришмоқда.

**"Жаҳон" АА, Лондон**

**Мамлакатимизда ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун барча зарур шароит яратиб берилган. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор уларнинг нуфузли халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этишига имкон яратмоқда.**

## ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ

Ўзининг истеъдоди ва ижодий қобилияти, танлаган фанини чуқур ўрганишга бўлган қизиқиши туфайли мамлакатимиздаги бир қанча танловларда ғолиб чиққан умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидан олти нафари Греция пойтахти Афина шаҳрида ўтказилган ёш математикларнинг 45-Халқаро олимпиадасида қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

Олимпиадада дунёнинг 85 давлатидан қарийб беш юз нафар ўқувчи иштирок этди. Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб ўқувчиси Зафар Жумаев, шу тумандаги 18-мактаб ўқувчиси Жалол Қурбонов ва Навоий давлат педагогика институтига қарашли академик лицей талабаси Беҳзод Тиллаев бронза медали соҳиби бўлди.

Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти ҳузуридаги 108-лицей талабаси Шоҳруҳ Холматов ва Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб ўқувчиси Собит Собиров эса олимпиаданинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Халқаро олимпиада бронза медали соҳиблари мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилинади.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикасини 2004 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган мажлиси бўлди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов ва АҚШнинг Савдо ва тараққиёт агентлигининг (USTDA) Евроосиё бўйича минтақавий директори Д.Штайн давлат бошқарувига электрон технологияларни жорий қилиш режасини ишлаб чиқишга қаратилган қиймати 503 минг АҚШ долларига тенг грант шартномасини имзолади.**

● **Бухоро вилояти ҳокимлигида «Ўзбекистонда 2004 йилда эркин демократик сайловлар ўтказишнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

● **Самарқанд вилояти «Тадбиркор аёл» уюшмасида «Ҳакамлик судлари — иқтисодий тортишувларни ҳал қилишнинг муқобил механизми сифатида» мавзуида семинар уюштирилди.**

● **Урганч шаҳрида курсантлар ўртасида ҳарбий амалий кўпкураш бўйича вилоят биринчилиги якунланди.**

● **Зарафшон шаҳрида замонавий болалар теннис мажмуаси фойдаланишга топширилди. Унда юздан зиёд боланинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароит муҳайё этилган.**

### Жаҳонда

● **Европа парламенти раиси этиб испаниялик социалист Жозеп Боррел сайланди. Овоз бериш натижаларига кўра, Боррелни парламентнинг 732 депутатидан 388 таси қўллаб-қувватлаган. Боррел зиммасига юклатилган ишда икки ярим йил мобайнида фаолият юритади.**

● **АҚШ Президенти Жорж Буш Ироққа Америка қуролини сотиш ва ушбу мамлакатга мудофаа соҳасида ёрдам кўрсатишга рухсат берди. Бу ҳақда Буш томонидан АҚШ давлат котиби Колин Пауэлга юборилган меморандумда айтилади.**

● **Исроил ҳарбий разведкаси таҳлил хизматининг йиллик ҳисоботидаги маълумотларга кўра, Эрон яқин уч йил давомида ядро қуролига эга бўлиши мумкин.**

● **Буюк Британия туғруқхоналаридан бирида тиббиётда ҳали учрамаган ҳодиса рўй берди. Ҳозирда Чарли Саузерн деб номланаётган қизалоқ юраги кўкрак қафасининг ички қисмида эмас, балки ташқарисида жойлашган ҳолда дунёга келди.**

● **Шу йилнинг 22 июнида Ингушетияга уюштирилган ҳужумда айбланаётган уч нафар мамлакат ички ишлар вазирлиги хизматчилари қўлга олинди. Қизиғи шундаки, жангариларга хавфсизлик хизмати ходимлари кўмак берган, деган гумонга келинган.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Республикамизда никоҳ ёши неча ёшдан белгилаб қўйилган?**

**Ф.Умарова, талаба.**

Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

• • •

**Канализация ҳамда сантехника ускуналари ва қурилмаларининг муайян қисми умумий фойдаланишдаги асбоб-ускуна ҳисоблангланлиги сабабли улар авария ҳолатига олиб келганда ким жавобгар бўлади?**

**Н.Иботуллаев, ишчи.**

Умумий фойдаланишдаги асбоб-ускуналар, хусусан канализация ҳамда сантехника ускуналари ва қурилмаларининг муайян қисми уй-жойдан фойдаланиш корхоналари ёки уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тасарруфида эканлиги сабабли тасарруфларидаги ускуна, қурилма ва объектларнинг лозим даражада сақланиши ва бир маромда ишлаб туриши учун жавобгарлик уларнинг ўз зиммасида бўлади. Шундай экан, авария ҳолатини келтириб чиқарган қурилма, жиҳоз ва ускуна кимнинг тасарруфида эканлиги етказилган моддий зарарни қоплаш юзасидан жавобгарликни аниқлашда асос қилиб олинади.

Масалан, қурилма, ускуна ва жиҳоз лозим даражада сақланишини квартира мулкдорининг ўзи назорат қилиши лозим бўлса, сув тоширилиши натижасида етказилган зарар учун мулкдорнинг ўзи жавобгар бўлади. Башарти қурилма, ускуна ва жиҳозлар лозим даражада сақланиши уй-жойдан фойдаланиш корхонаси ёки уй-жой мулкдорларининг ширкати зиммасига юкланган бўлса, ана шу корхона ёки ширкат даъво талаблари бўйича жавобгар бўлади.

• • •

**Бошим мунтазам оғриб туради. Дори-дармонлардан ҳам жуда чарчадим. Халқ табобатида қўлланадиган оддий усуллар ҳақида билмоқчи эдим.**

**М.Яхшигулова, уй бекаси.**

Бошингиз оғриганда пешона ёки бўйнингизга музли дока қўйинг ёки аксинча — иссиқ душ қабул қилинг ва бўйнингизга иссиқ нарса қўйинг.

● Озгина бўлса ҳам ухлашга уриниб кўринг, кўпгина кишилар бир оз ухлаб дам олганларидан сўнг бош оғриғи қолади.

● Ўткир ҳидли атир-упадан фойдаланманг. Кучли ис мигренни осонгина чақириши мумкин.

● Кўзингизни эҳтиёт қилинг: ҳар қандай кучли ёруғлик кўзни қамаштириши ва бу кўпинча бош оғриғига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам уйни унча ёруғ қилманг. Кўчага чиққач, қуёшдан муҳофаза қилувчи кўзойнак тақиб олинг.

● Сақич чайнаманг — ҳадеб сақич чайнайверсангиз, бу чаноқ мушакларини чарчатиши ва бош оғришига олиб келиши мумкин.

● Агар бошингиз мунтазам оғриб турса янги картошка шарбатини ичиш ҳам мумкин. Картошка шарбати чорак стаканда ичилади.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

*Иқтисодиёт*

# ИЖОБИЙ САМАРА БЕРМОҚДА



**Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида фаолият кўрсатиб, ўз маҳсулотлари билан харидорлар эътиборини қозонган «Ёшлик» очиқ ҳиссадорлик жамияти бир неча йиллардан буён аввалги мавқеини тиклаш йўлида баракали ишларни амалга оширмоқда.**

Мазкур корхона 1992 йилда иш бошлаганди. Бугунги кунда жамоада 265 нафар ўз касбига меҳр қўйган ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Этиборли томони, уларнинг асосий қисмини ғайратшижоатли ёшлар ташкил этади. Жорий йилнинг ўтган ойида корхона жамоаси халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режасини 103 фоизга бажарди, яъни 86 миллион 612 минг сўмлик маҳсулотлар буюртмачиларга етказиб берилди.





Мақсадга эришиш учун албатта, имконият қидириш, изланиш зарурлигини тўғри англаган раҳбарият саъй-ҳаракатлари эвазига ўтган 2003 йилда цехларга янги, замонавий дастгоҳ ва ускуналар келтирилиб ўрнатилди. Улар Белоруссия давлатидан келтирилган бўлиб, 157 та «Орша» русумли тикув машиналаридир. Шунингдек, корхона учун 4 та замонавий компьютерлар ҳам сотиб олинди. Булар ўз навбатида жамият аъзоларининг меҳнатлари самарасига ижобий таъсир кўрсатиб, ишда қатор қулайликлар туғдирмоқда.



Корхонанинг тикув цехида иш конвейер усулида олиб борилади, яъни кетма-кетликдаги технологик жараён асосида ишланади. Сўнгра тайёр бўлган маҳсулотлар сифат назоратидан ўтказилади. Хом ашёни асосан юртимизда фаолият юритаётган Бухоро, Наманган шаҳарларидаги тўқимачилик комбинатлари етказиб берса, сифатли фурнитура маҳсулотлари пойтахтимиздаги корхоналардан олинади.

Корхонанинг тикув цехида кўплаб ёшлар — тикувчилик ишлаб чиқариши мутахассислигига ўқиётган, коллежнинг 2, 3-босқич ўқувчилари шартнома асосида 1 йилда икки мартта амалиёт ўтайдилар. Улардан кўпчилиги ўқишни тугатгач корхонада ишлашга келадилар.

Корхона ишчи-хизматчиларининг унумли ишлашлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Режани бажарганларга мукофот тизими жорий этилган. Ёзги таътиллар мавсумида касаба уюшмаси ҳисобидан ишчи-хизматчиларга «Сумча» оромгоҳига дам олишга йўлланма берилади.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан корхона аҳли атрофларидаги «Мискин», «Ачаобод» маҳаллаларидаги кам таъминланган, муҳтож оилаларни оталиққа олган. Уларга байрамларда кийим-кечаклар тарқатилади. Бундан ташқари, ҳудудларида жойлашган боғча ҳамда мактабга ҳам пул маблағлари ва кийимлар билан ёрдам кўрсатилади.

Ички бозорни ўрганиш, изланиш, имкониятларни ишга солиш эвазига яхши натижаларга эришаётган корхона тадбиркорлари бугуннинг талабини тўғри англаб, иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшиш йўлида маҳсулот турларини оширмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: «Ёшлик» очиқ ҳиссадорлик жамияти фаолиятидан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

**Республика «Нуроний» жамғармаси қошидаги республика фаол фахрий аёллар уюшмаси ва пойтахтимиз олималари билан учрашув бўлиб ўтди.**

*Учрашувлар*

# ФАОЛ БЎЛИШГА ДАЪВАТ ЭТДИ

Учрашувда «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони мазмун-моҳияти ва навбатдаги вазифалар хусусида сўз борди. Шунингдек, учрашувда Тўра Мирзаев ва Маҳсуда Содиқоваларнинг «Ўзбек олималари» китобининг тақдимоти ҳам уюштирилди.

— Аёллар — жамиятнинг энг катта кучи. Уларга яратилаётган шарт-шароитлар жамият тараққиётини белгилайди, — деди жумладан учрашувда сўз олган олима, фалсафа фанлари доктори Хатима Шайхова. — Ислоҳотларнинг муваффақияти ҳам маълум жиҳатдан хотин-қизлар қўмиталарининг фаолиятига боғлиқ десак адашмаймиз. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтилаётган бугунги пайтда хотин-қизлар қўмиталари давлат ташкилотлари сифатида эмас, балки жамоат ташкилоти сифатида одамларимиз орасига сингиб кирмоғи лозим.

Учрашувда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси қошидаги фаол хотин-қизлар билан ишлаш гуруҳи раиси Ҳосият Ёқубжонова, физика, математика фанлари номзоди Мукаррам Муҳиддинова ва бошқалар аёлларимиз хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалда жорий этишни давлат сиёсати даражасига кўтаришга ўз ҳиссаларини қўшишлари лозимлигини таъкидладилар.

Долзарб мавзуда бўлиб ўтган ушбу учрашув йиғилганларда яхши таассурот қолдирди ва эртанги кунга бефарқ бўлмасликка чақирди.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**

*Тадбирлар*

# МАЪРИФАТ МАНЗИЛИ

**Яқинда Тошкент кислород заводида «Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбирни «Маънавият ва маърифат» маркази Чилонзор туман бўлими ҳамда Тошкент кислород заводи жамоаси ҳамкорликда ўтказдилар. Унда Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази маърузачиси Олим Ҳакимов ва «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Малоҳат Ортиқовалар сўзга чиқдилар. Улар ўз сўзларида маърифат мангу, ёниқ аланга эканлигини, у қалбларга олов, кўзларга зиё бағишлашини, ойдин умидларга ошно этишини таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, маърифат онг ва тафаккур сарчашмаси. У кишига рағбат, ёмонликка нафрат, яхшиликка муҳаббат туйғусини бахшида этади. Давра суҳбатида корхона ишчи, ходимлари ҳам мавзу юзасидан ўз фикр мулоҳазаларини билдирдилар. Савол-жавоб тариқасидаги кеча жуда кўнгилли ва мароқли ўтди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

# ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Миробод тумани бўлими қошида "Ёзни "Камолот" билан" лойиҳаси доирасида компьютер ўқув маркази ташкил этилди.**

Бугун мамлакатимизда автоматлаштирилмаган ёки компьютерлаштирлмаган ҳеч бир жабҳа йўқ. Давр ёшлардан соҳа билимларини пухта эгаллаш билан бир қаторда компьютер техникаси билимдони бўлишларини ҳам тақазо этмоқда. Бу масалани жадаллаштиришга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу пайтга қадар ҳаракат томонидан пойтахтнинг турли туманларида учта компьютер ўқув маркази ташкил этилган эди. Миробод туман бўлими кенгаши томонидан очилган компьютер ўқув маркази эса ёшлар ташкилотининг навбатдаги хайрли қадамларидан бири бўлди. Ушбу ўқув маркази компьютерлари интернет тармоғига уланган.

Бўлим кенгаши вакилларининг таъкидлашларича, айни пайтда ҳудудда 156 та кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган болалар истиқомат қилишади. Марказда биринчи галда шундай оилалар фарзандларига сабоқ бериладиди. Ҳаракат сардорлари ва унинг аъзолари ҳамда туманда яшайдиган барча ёшлар марказ компьютерларидан бемалол фойдаланишлари мумкин.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА, "Туркистон-пресс"**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Инсон қўлга киритган ўлжаларидан энг хайрлиси — самимий дўстдир.

● Дўст ўз дўстини зиёрат қилиши кўп иллатларга даводир.

● Ҳамма ватандошларнинг бир-бирлари билан дўстона муносабатлари ватаннинг тараққиётига сабабчи бўлади.

● Уч нарса дўстликни мустаҳкамлайди: дўстларнинг бир-бирларини зиёрат қилиб туришлари, самимий суҳбатлашишлари ва биргалашиб сайру саёҳат қилишлари.

● Байналмилал тарбия миллатлар орасига дўстлик уруғини сочади, ватандошларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатларини оширади.

● Икки дўстнинг аҳд-паймонда, меҳру вафода барқарор бўлишлари самимий дўстлик нишонасидир.

● Алишер Навоий айтади:

**Айласалар икки тарафдин вафо,**
**Етгай алар ҳолига анча сафо.**

● Суқрот ҳаким айтади:

— Дўстингга йўлиққан вақтингда кулиб, очиқ юз билан кўриш, яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Дўстликнинг бошланиши — мадҳ-сано биландир.

● Бир ҳинд донишманди айтади:

— Дўстлик аломати мана шундай бўлади: дўстнинг дўстига, душманига душман бўлсин, душманингни дўст тутган киши сени дўст тутмайди.

● Араб фозилларидан Асмаи айтади:

— Мен бир куни дўстимни кўрган бордим. Дўстим бир киши сиғарлик палосни солиб ўтирган экан. Мени ҳам палосда ўтиришга таклиф қилди. Мен:

— Палос ўзингга торлик қилиб турибди, яна мени палосда ўтиришга таклиф қиласан? — деган эдим, у айтди:

— Икки душман бутун ер юзига сиғмайди, аммо икки дўст бир қарич ерга ҳам сиға олади.

● Исҳоқ Мусилий деган фозил кунлардан бир куни пулга муҳтож бўлиб, дўстидан пул қарз олиш учун унинг уйига борди. Дўсти уйда йўқ эди. Уйда фақат дўстининг канизаги қолганди. Исҳоқ Мусилий канизакни чақириб:

— Менга бир оз пул керак бўлиб қолди, хожангнинг ҳамёнини олиб кел, — деди. Канизак хожасининг ҳамёнини келтириб берди. Исҳоқ Мусилий дўстининг ҳамёнидан ўн сўмни олиб, чиқиб кетди.

Бироздан кейин Исҳоқнинг дўсти уйига келгач, канизак хожасига:

— Сизнинг дўстингиз келиб бироз пул сўради, ҳамёнингизни олиб чиқиб беришимни ўтинди. Мен у кишининг самимий дўстингиз бўлганини билардим. Шунинг учун ҳамёнингизни чиқариб бердим. У ўн сўм пул олиб, чиқиб кетди. Ҳамёнингизни сиздан берухсат олиб чиқиб берганим учун айблиман. Айбимни кечирасиз, деб умид этаман, — деб узр айтди.

Хожаси севиниб:

— Раҳмат сенга, менинг уйда йўқлигимни билдирмабсан, самимий дўстимнинг хожати раво бўлибди, шу қилган ишинг учун сени озод қилдим, — деб канизакдан кўп миннатдор бўлди. Мана шундай бўлади ҳақиқий дўстлар!

Байт:

**Кори мардонларни хўб андеша қил,**
**То тириксан яхши ишни пеша қил.**

---

**Деҳлида "Ҳиндистон ва Марказий Осиё: умумий манфаатлар ривожи" деб номланган китоб босмадан чиқди.**

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ КИТОБ

Ҳиндистон мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамкорлигида 2003 йил 6-8 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган "Минтақавий хавфсизлик бўйича Ҳиндистон-Марказий Осиё III халқаро конференцияси" материаллари ушбу янги китоб асосини ташкил этади. Унда жаҳоннинг 15 мамлакати ва иккита халқаро ташкилотдан 31 нафар муаллифнинг долзарб мавзу – Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги, халқаро миқёсдаги хавфсизлик муаммолари, минтақавий ҳамкорлик борасидаги маъруза ва мақолалари китобхонлар эътиборига ҳавола этилган. Ўзбекистондаги қатор таниқли сиёсий арбоб, олим ва мутахассисларнинг минтақавий ва халқаро хавфсизлик мавзусидаги маърузалари ҳам мазкур тўплам саҳифаларидан жой олган.

Деҳлида ушбу тўпламнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси И.Мавлонов тадбирни очар экан, мамлакатимизнинг хавфсизликни асраш, халқаро терроризм, экстремизм ва замонамизнинг бошқа таҳдидларига қарши кураш борасидаги ташаббус ва кенг қамровли саъй-ҳаракатлари ҳақида батафсил маълумот берди. Ҳиндистонлик таниқли сиёсий арбоб ва дипломат К.Бхутани Ўзбекистоннинг халқаро барқарорликни таъминлашга қўшаётган салмоқли ҳиссасига тўхталиб ўтди.

— Ўтган йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган минтақавий хавфсизлик бўйича Ҳиндистон-Марказий Осиё III халқаро конференциясига биз Ўзбекистон—Ҳиндистон муносабатлари доирасидаги муҳим ва ноёб воқеа сифатида қараймиз, — деди "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюда Ҳиндистон Мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институти бош директори К.Сантанам. — Тошкентда бўлганимизда хавфсизлик масалаларига мамлакатингизда қай даражада катта эътибор қаратилишига ўзимиз гувоҳ бўлдик. Буни мазкур конференциянинг том маънода ишчан руҳда ўтганлигидан ҳам билиб олиш мумкин эди.

Тақдимот маросимининг бошқа иштирокчилари ҳам икки мамлакат ҳамкорлигида ушбу муҳим халқаро конференциянинг Ўзбекистон пойтахтида ўтказилиши ва унинг мантиқий давоми сифатида янги тўпламнинг чоп этилиши икки мамлакат ҳамкорлик муносабатлари янада ривожланиб бораётганидан далолат беришини қайд этдилар.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**"Жаҳон" АА,**
**Деҳли.**

---

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

### КИМ АЙБДОР?

— Тўғри қилдимми, нотўғри қилдимми билмадим. Лекин ўз отамни ўзим суд қилдим.

Қодиржоннинг бу гапи бизни анча ўйлантириб қўйди. Наҳот ўғил ўз отаси устидан ҳукм чиқариб, уни қамоқ жазосига лозим топса. Бунақаси камдан-кам учрайдиган ҳодиса.

— Ўғлим, у одам ҳар қанча гуноҳкор бўлса-да, ҳар қалай ўз отангиз экан, шундай бўлгач, уни сиз суд қилишдан воз кечсангиз бўлардику, — дейман воқеа тафсилотини тушунмай.

— Ҳамма гап шундада. У одамнинг отам эканлигини ҳукм ўқилгандан кейин билиб қолдим.

— Ахир қандай қилиб?

— Институтни тугатиб туман судида эндигина мустақил иш бошлаган кезларим эди. Тўсатдан раҳбаримиз чақириб «Энди сизга ишониб мустақил иш топширсак бўлади. Мана бу тергов хулосаси билан танишиб чиқиб ишга киришинг», — дея қўлимга бир папкани тутқазди. Танишиб чиқдим.

Ҳотамжон Раҳимов. 1956 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида истиқомат қилади. Айни дамда хусусий корхона раҳбари. Оилали, бешта боласи бор. 2004 йилнинг 5 мартида ўзига қарашли «Нексия» машинасида кечки соат 20 ларда йўл ҳаракати қоидасига риоя қилмай, рулни маст ҳолда бошқариб бораётиб Обидов кўчасида болали аёлни уриб юборган. Қаттиқ жароҳат натижасида аёл ва унинг қўлидаги бола воқеа содир бўлган жойнинг ўзида вафот этган. Айбдор Раҳимов жабрланувчиларга биринчи ёрдам кўрсатиш ўрнига жиноят изини яшириш мақсадида воқеа жойидан қочиб кетган. Гувоҳларнинг кўрсатмаси билан эртасига қўлга олинди. Терговда айбига тўла иқрорлик билдирган. Бор гап шу.

Ҳайъат аъзолари билан келишилган ҳолда суд кунини белгиладик. Онажонимнинг бирдан-бир орзуси эса менинг мустақил иш бошлаган кунимни кўриш, ўша судда ўзи қатнашиш эди. Ўша куни онажонимга у орзу қилган кун келганлигини айтиб, эртага суд жараёни бошланишини билдирдим.

— Албатта бораман. Қани бир кўрайчи менинг ўғлим ўз бурчини қандай бажараркин, — дедилар онам шодликдан ял-ял ёниб.

Эртасига суд бошланди. Ўтирганлар тергов хулосаси билан таништирилди. Гувоҳлар бирма-бир кўрсатма беришди. Қораловчи ва оқловчиларнинг маълумотларидан сўнг айбланувчига сўз берилди. У айбини тан олиб қилмишидан пушаймонлиги, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланиши, оилавий шароитини айтиб суддан айбини енгиллаштирувчи жазо берилишини сўради.

Ҳукм ўқилди. Жиноятчи қилмишига яраша қамоқ жазоси олди. Охирида залга назар солсам онажоним йўқ. Ҳайрон бўлдим. Ўз ўғлининг биринчи мустақил ишини ўз кўзи билан кўриш орзусида юрган одам қаёққа ғойиб бўлди экан? Нега суд жараёнини охиригача кузатмади? Шундай хаёлларда кечқурун уйга қайтсам онам бир ҳолатда кўрпа-тўшак қилиб ётибдилар.

— Тинчликми? — сизга нима бўлди? — десам:

— Бирдан юрагим хуруж қилиб қолди, — дедилар тушкун бир тарзда. Гап орасида бугунги суд жараёни ҳақида сўз очдим.

— Қалай, сизга маъқулми? — дедим жилмайган бўлиб.

— Ёмон эмас, — дедилар уф тортиб. — Лекин юрагимнинг бир чеккаси ғаш бўлиб қолди-да болам.

—Нега, нимага? — дейман бирор хатога йўл қўймадиммикан, деган хаёлда.

— Ўғлим, энди сенга айтмай иложим йўқ, ўша жиноятчи сенинг отанг. Ҳали сен чақалоқлигингдаёқ у бизни ташлаб кетиб қолган. Мурғак қалбингни ўкситмаслик учун сенга «Отанг ўлган» дея бор ҳақиқатни айтмас эдим.

Бутун танамни муз босди. Бунга ким айбдор, деб сўраб-суриштириб ҳам ўтирмадим. Қолаверса, майда гап билан онажонимнинг нотинч юрагига баттар озор беришни истамадим...

Узоқ жим қолдик. Кейин ўртадаги сукунатни бузиб.

—Айб сизда эмас, ўғлим. Энг муҳими сиз ўз бурчингизни виждонан бажарибсиз, — деган сўзлар билан йигитнинг кўнглига таскин бердим.

### ИНСОФСИЗДА ДИЁНАТ БЎЛМАЙДИ

Кечки пайт «Олой» бозори ёнидан ўтиб бораётган эдик. Бир аёл бизни тўхтатди.

—Илтимос, мана шу икки банкадаги қаймоқни ола кетинглар, арзонга бераман, уйда ёш болаларим кутиб қолди.

Сўраб-суриштирсак аёл маҳсулотнинг яхшилигига кафолат берди. Бизга илтижо билан тикилиб турганини кўриб аёлга раҳмимиз келди. Майли, олсак ола қолайлик. Бунинг устига нархи ҳам арзон экан, деган мақсадда икки банка қаймоқнинг бирини ҳамроҳим, бирини мен харид қилдим.

Уйга келсам оиламиз аъзолари дастурхон атрофида гавжум ўтиришибди.

— Бунча кеч қолдиз отаси? Дарров ечина қолинг. Эндигина овқатни сузган эдим. Биргалашиб тановул қиламиз, — деди аёлим шошиб. Қўлимдаги қаймоқни унга тутқаздим.

— Вой, бу нима?

— Йўл-йўлакай қаймоқ харид қилдим. Набиралар билан бир қаймоқхўрлик қилайлик дедимда.

Ечиниб чиқсам аёлим қаймоқни пиёлаларга тўлдириб қўйиб дастурхонга тортибди. Олдинига у-бу тотиб кўргандан сўнг ҳаммамиз бирдан қаймоққа ёпишдик.

Кўп ўтмай аёлим, кейин набиралар бирма-бир қаймоқдан қўл тортишди. Ўзим яна бир-икки бор нон ботириб оғзимга солдим. Қаймоқ суюқ, унинг устига таҳир, мазаси ҳам бутунлай бошқача эди. Кайфиятим бузилганини кўриб, аёлим ҳам, набиралар ҳам жим ўтиришибди. Улар олдида бир мулзам бўлдим, бир мулзам бўлдим.

— Отаси, — деди аёлим кайфиятимни кўтариш учун, — баъзилар шунақа диёнатни унутиб қўйишганда. Қаранг, ҳатто оқликка ҳам бировни алдашдан қўрқишмайди-я, инсофсизлар.

### ЁН ҚЎШНИ— ЖОН ҚЎШНИ

Икки девор дармиён қўшни ўртасидаги жанжалга болаларнинг тўп тепиб ўйнаши сабаб бўлди. Собиржоннинг тепган тўпи кутилмаганда Салим аканинг деразасига бориб тегди. Ойна чил-чил синди. Болалар тумтарақай бўлиб қочишди. Ичкаридан хонадон эгаси Салим ака югуриб чиқди. Қилмишидан қўрқиб нима қилишини билмай турган Собиржонга ўшқирди.

— Ким синдирди?

— Мен...

— Падарингга лаънат, нега синдирасан бировнинг ойнасини?

— Тўп тегиб кетди.

— Оёғинг сингур, неча марта айтаман, деразанинг тагида футбол ўйнама деб.

— Кечиринг, амаки...

— Бойвачча отангга айт, кечгача ойнани солдириб берсин, бўлмаса ҳаммангнинг кунингни кўрсатаман.

Шов-шувни эшитиб қўшнилар чиқишди. Улар Салим ака қулоқ чўзма қилаётган Собиржонга ҳимоя қилишди.

— Қўйинг, кап-катта киши, бу нима қилганингиз, кичкина болани қўрқитиб, сабил қолгур ойнангизнинг битта кўзи шу боладан азиз бўптими?

— Ёнини олларинг-а, олларинг. Шунақа қилиб болаларингни талтайтириб ўстирдиларинг. Санлар яхши, битта Салим ака ёмон.

— Вой амаки, қўйинг, отаси келсин бугуноқ ойнангизни кўзлатиб берамиз, — ўртага тушди Собиржоннинг онаси.

Ойна баҳона икки қўшни ўртасига совуқчилик тушди. Салим аканинг енгилтак ва жиззакилиги сабабли, эркаклар анча-мунча санманга бориб қолишди. Яхши одамлар ўртага тушди.

Тил яраси битару, дил яраси битмас, деганларидек қўшнилар ўртасидаги аччиқ-араз давом этиб турган кунларнинг бирида Салим ака қаттиқ оғриб қолди. Ярим тунда қайга югуришни билмаган оила аъзолари, ён қўшни Собиржоннинг отаси, тажрибали жарроҳ Ҳаким акани эшигини қоқишга мажбур бўлишди.

Ҳаким ака ўтган гапни эслатиб, гина-кудурат қилиб ўтирмади. Зудлик билан ёрдамга шошилди. Ўша тундаёқ унинг қистови билан Салим ака касалхонага ётқизилди. Уни тезда операция қилишга тўғри келди. Шифокорлар бепарволик натижасида икки кун нари-берисида ўктин-ўктин хуруж қилиб турган кўричак охири зўрикиб ёрилиб кетган, деган хулосага келишди.

Уни ким операция қилади? Шу топда мана шу савол ўртага кўндаланг бўлиб тушди.

— Қўшни, — деди Салим ака оғриқнинг зўридан зўр-базўр Ҳаким акага мурожаат қилиб, — илтимос, мени ўзингиз операция қилсангиз.

Ҳаким ака иккиланиб ўтирмай таклифни қабул қилди. Операция оғир кечди. Қил устида турган беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Эртасига ундан хабар олгани палатага кирган Ҳаким акани кўриб Салим ака кўзидан дув ёш тўкди. Қўшнисига миннатдорчилик билдирди.

Кўп ўтмай Салим ака оёққа туриб кетди. Шу воқеа боис қўшнилар бир-бирлари билан яна аҳил-иноқ бўлиб кетишди. Шундан бери Салим ака «узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал» деган гапни тез-тез такрорлаб юрадиган бўлиб қолди.

*Турфа олам*

# КУЙЛОВЧИ ГУЛЛАР

**Японияда антиқа ихтирога қўл урилди. Янгиликка ўч японлар гулни куйлашга мажбур этди.**

Махсус қурилма симининг бир учи овоз кучайтиргичга, иккинчи учи карнайга улангани каби гулнинг банди ва баргига уланади. Натижада гулдан овоз чиқади.

«Бу ихтиро «гулларда ҳиссиёт йўқ», деган ақидага барҳам берди», — дейди ихтирочилардан бири.

Овоз гулнинг банд ва куртакларига таъсир қилиб, уни секин тебрата бошлайди.

Гулларнинг «куйлаши» уларнинг турига ҳам боғлиқ экан. Масалан, нилуфар ва наргисда товушни ўзига хос қабул қилиб, такрорлаш қобилияти кучлилиги аниқланди.

«Куйловчи гуллар»ни кейинги ой сотувга чиқариш мўлжалланган.

Маълумотларга кўра, битта гулдаста юз минг япон иени атрофида баҳоланмоқда.

*Премьерадан сўнг*

# КЎНГИЛЛАРГА ЗАВҚ УЛАШАДИ

**Халқимиз азалдан санъатсевар. Куй-қўшиқ, театр ва кино санъатига ошуфта диллар кўп. Айниқса мустақиллик туфайли мамлакатимизда санъат соҳасида бир қатор ютуқларга эришилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Бугунги тинч-фаровон юртимизга албатта тўй-томошалар, кувноқ қаҳқаҳалар ярашади.**



Гоҳида ишдан ҳориб қайтиб, оила ташвишларидан бироз нари бўлиш учун албатта бирор концертга ёки театр, кинога тушсангиз, кўнглингиз ёзилиб, барча чарчоқларингиз, ташвишларингиз унутилиб, маданий ҳордиқ чиқариб қайтасиз албатта.



Яқинда Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Қизил жарлик Эшмат» кинокомедиясининг премьераси бўлиб ўтди. Шу куни Санъат саройининг катта зали одамлар билан тўла бўлди. Фильм премьерасидан олдин саҳнада халқимизнинг севимли кулгу усталари бўлган «Мирзо» театри артистларининг ажойиб, қизиқарли томошалари, ичакузди ҳангомаларини томошабинлар ниҳоятда мамнунлик билан томоша қилдилар. Айниқса кулги устаси Валижон Шамшиев билан бўлган ижодий учрашув йиғилганларга бир олам завқ-шавқ бағишлади. Маълумки, кейинги вақтларда Валижон Шамшиев бир қатор фильмларда ўзининг актёрлик маҳоратини намоён этиб, кино мухлислари эътиборини қозониб келмоқда. Айтиш жоизки, 2002 йилда ташкил этилган «Келдию-кетди» студияси Анвар Обиджоннинг «Полосонлик учар» асари асосида «Ўзбектелефильм» студиясида суратга олинган «Қайтмас» бадиий фильмини намойиш этиш ҳуқуқи асосида фаолият юритди. Кейинчалик эса студияга жалб этилган ёш ижодкорлар билан ҳамкорликда «Тақдир зарбаси» бадиий фильми суратга олинди. Ушбу фильм режиссёр Э.Мўминов томонидан тасвирга туширилиб, унга В.Шамшиев, Э.Мўминов, А.Андақулов муаллифлик қилишган. «Қизилжарлик Эшмат» кинокомедияси Валижон Шамшиев продюсерлик қилган иккинчи фильмдир. Фильм сценарийсини Валерий Гусев ёзган, постановкачи режиссёр Фарид Давлетшин.

— Фильмдаги воқеалар менга жуда яқин ва таниш, — дейди биз билан суҳбатда фильм сценарийсини ўзбек тилига ўгирган журналист ва таржимон Алижон Эшбой. — Қишлоқ ҳаётини яхши билганим учун таржима жараёнида кўп нарсаларни қўшишга эришдим. Студияни ташкил этишда Валижон билан биргаликда туриб, унинг продюсерлигида иккинчи фильмга директорлик қилдим. Фильм Чимён бағридаги Қизил жар қишлоғида суратга олинган. Муаллиф ва режиссёр ҳамкорликда айнан шу қишлоқда ўзларининг иккинчи фильмларини яратишди. Фильмдаги бош ролларни Валижон Шамшиев ва эндигина кино оламига кириб келаётган ёш истеъдодлардан Шораҳмон Обидов ижро этишган. Фильмнинг асосий мавзусини «Кичик инсоннинг катта орзулари» десак ҳам бўлади. Валижон яратган қаҳрамон ҳаётда омади юришмаган оддий қишлоқ йигити. Юраги тоза, кўнгли пок, бениҳоя соддадил инсон. Унинг болалардек беғубор юрагида бир олам орзулар мужассам. Қаҳрамонимиз қишлоғини жуда ҳам яхши кўради. Буни фильмдаги ҳолатлар ва воқеалардан уқиб олиш қийин эмас. Фильмда Эшматнинг севган қизи ролини Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрининг истеъдодли актёри Тамара Ҳазратқулова ижро этган. Бу унинг катта экрандаги илк роли бўлишига қарамай (бунгача Тамара бир қанча видеофильмларда роллар ижро этган) режиссёр олдига қўйган вазифаларни истаганидан ортиқ бажаришга эришди, деб айтиш мумкин.

Ушбу кинокомедияда шунингдек, Марям Ихтиёрова, Анвар Кенжаев, Азиза Бегматова, Матёқуб Матчонов, Мирзабек Холмедов, Шукрулло Исроилов каби эл севган санъаткорлар ҳам ўзига хос роллар ижро этишган. Катта кинода илк бор истеъдодли эстрада хонандаси Умида Мирҳамидова ҳам иштирок этиб мухлислар олқишига сазовор бўлди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Қизилжарлик Эшмат» кинокомедиясидан лавҳалар.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҲАМКОРБАНК**

*Азиз юртдошлар!*

**Ҳамкорбанк хорижий валютада янги омонат турини таклиф этади.**

**«Тақдим этувчига»**

деб номланган ушбу омонат 3 ой муддатга қабул қилиниб, даромадини йиллик 15 % гача — АҚШ долларида, 18%гача — сўмда олишингиз мумкин.

Омонат сир сақланиши кафолатланади.

Шошилинг, бу имконият фақат 24 июлгача.

Мурожаат учун тел: (8-3712) 45-62-33, 45-76-58.

**Ҳамкорбанк — Сиз учун ишончли ҳамкор!**

*Наби Ғаниев номли*

**ТОШКЕНТ КИНО—ВИДЕОТЕХНИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ**

*2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга*

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**9-синф ҳажмида:**

1. Бухгалтер — аудитор.
2. Менежмент.
3. Кино — видеотехника.
4. Саҳна тадбирларига техник хизмат кўрсатиш.
5. Радиотехника ва телеаппаратураларни таъмирлаш ва ишлатиш.

9-синф ҳажмида барча йўналишлар бўйича ўқиш муддати — 3 йил.

**11-СИНФ ҲАЖМИДА:**

1. Бухгалтерия ҳисоби. (2 йил)
2. Иқтисодиёт ва режалаштириш. (2 йил)
3. Кино асбоб-ускуналари ва видеотехникани ишлатиш. (3 йил)

*Керакли ҳужжатлар*

**1. Директор номига ариза.**
**2. Маълумоти ҳақида ҳужжат (асли).**
**3. Тиббий маълумотнома (086-у форма).**
**4. 3х4 ўлчамли 6 та расм.**
**5. Меҳнат дафтарчаси нусхаси (ишловчилар учун).**
**6. Яшаш жойидан маълумотнома.**
**7. Тавсиянома (жорий йилда 9-синфни битирганлар учун).**

**Туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.**

**Ҳужжатлар 2004 йил 20 июндан 1 августгача қабул қилинади.**

**Қабул қилиш тартиби: суҳбат асосида.**

**Манзилимиз: Талабалар кўчаси, Кино-видеотехника КҲК**
**Транспортлар: 2, 3, 4, 8, 20 - троллейбуслар, 28, 34, 87, 90 - автобусларнинг «Талабалар шаҳарчаси» бекати.**
**Телефонлар: 46-04-00, 46-13-13.**

**“ИШЛАБ ТОП!”**

**Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!**

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI



**Тошкент шаҳар "КАМОЛОТ"и тадбиркорларга "Ишлаб топ" ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.**

**Қўшимча маълумотларни**

137-72-20, 137-72-21

**телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.**

**Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:**

www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

**Акцияда қатнашган тадбиркорларга "Тасвир" нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.**

**ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!**

Сиз хизматда, сафарда, меҳмонда, дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида, кино ва театрда, кундалик ташвишлар билан бозор ва транспортларда юрган пайтингизда хонадонингиз ва мулкингизни жиноий тажовузлардан ким ҳимоя қилади?

Бундай хизматни шаҳримиздаги Марказлаштирилган қўриқлаш пультлари бажаради. Ушбу пультлар бу борадаги энг ишончли ва иқтисодий жиҳатдан энг арзон қўриқчидир!

Хонадонингиз ва мулкингиз даҳлсизлигини истайсизми?

Марҳамат қилиб, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ва туман қўриқлаш бўлимларига мурожаат қилинг!

**Мурожаат учун телефонлар: 133-37-83, 134-01-69, 133-01-44**

## «02» Ҳодисалар

**• Жамиятда ўғрилик деб аталган иллат орқали «тирикчилик» қилиб, баъзида бунинг ортидан ҳатто мўмайгина даромад орттириб оладиган шахслар ҳам учрайди. Аммо ушбу вақтинчалик ва охир-оқибати пушаймондан ўзга натижа бермайдиган «касб»ни танлаганларнинг кўпчилик олдида обрў-эътиборига путур етиши аниқ.**

Сергели тумани ИИБ навбатчилик қисмига ўзгаларнинг мол-мулкига кўз олайтирганлар тоифасига кирувчи икки шахс жиноят устида ашёвий далиллари билан ушлаб келтирилди. Маълум бўлишича, Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида яшовчи Л.Семён ва шериги Сергели тумани, 5-даҳада яшовчи В.Алексейлар ўзаро тил бириктириб, Сергели тумани, 7-даҳада жойлашган 44-уйнинг 74-хонадонида истиқомат қилувчи фуқаро Ф.Зокировнинг уйи ҳовлисида қолдирилган «ВАЗ-2106» русумли автоуловнинг эшигини мослама билан очиб, нархи 60.000 сўмлик 2 дона овозкучайтиргичлар, 50.000 сўмда баҳоланадиган автомагнитофон ва бешта аудиокассеталарни ўғирлаб кетаётган эди. Эндиликда эса, бу икки оғайнининг содир этган ножўя ҳаракатлари туфайли юзлари шувут бўлиб қолди.

**• Бектемир тумани, Сувчи даҳасидаги 36-уйнинг 80-хонадонида истиқомат қилувчи фуқаро У.Мадраҳимов ҳам бошқарувидаги «Ўзмевасабзавотхолдинг» ташкилотига қарашли «Нексия» русумли автоуловни «Орзу» кафеси олдида қолдираётганида кимдир унинг эшикларини очиб, ўғирлик қилишга журъат этади, деб ўйламаган эди.**

Аммо айнан шундай бўлиб чиқди. Ҳайдовчининг овқатланишга кириб кетган вақтида қулай пайт пойлаб турган Тошкент вилоятининг Зангиота туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган И.Эргашжон исмли йигит «эпчиллик билан» нархи 65000 сўмлик автомагнитофонни ўмариб кетишга чоғланди. Лекин кутилмаганда қаршисида пайдо бўлиб қолган ички ишлар ходимлари унинг режасини барбод қилдилар.

**• Ҳамза тумани ИИБ ходимлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида, спиртли ичимликка тўйиб олиб, талончилик жиноятини содир этган, шаҳримизнинг Қорасув мавзесида яшовчи У.Шомурод исмли шахс ушланди.**

Аниқланишича, бирор жойда ҳалол меҳнат билан шуғулланишни ўзига эп билмайдиган бу зўравон Оҳанграбо кўчаси бўйлаб бораётган Қорасув-2 даҳасида истиқомат қилувчи фуқаро И.Хўжамуҳамедовга нисбатан куч ишлатиб қўрқитиб, унинг «Дельта» русумли мотоциклини тортиб олиб қочиб кетган.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази инспектори.**

*Осиё чемпионати*

# ЧОРАК ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

**Европа чемпионатининг ҳаяжонли дақиқалари, кутилмаган шов-шувлари ишқибозлар ёдидан кўтарилмасиданоқ Осиё қитъаси биринчилигининг бири-биридан чиройли ва қизиқарли ўйинлари бошланди.**

Албатта, бу футбол ишқибозларига олам-олам завқ бағишламоқда. Шу жумладан, юртимиз футболчиларининг қитъа чемпионатидаги ажойиб иштироки барча-барчамизни хушнуд этмоқда.

Аввал, чарм тўп усталаримизнинг Осиёдаги энг кучли терма жамоалардан бири — Ироқ футболчилари устидан қозонган ғалабалари ҳақида хабар бергандик.

КЕЧА «С» гуруҳидаги жамоалар ўзларининг иккинчи ўйинларини ўтказишди. Дастлаб майдонга Туркманистон ва Ироқ терма жамоалари тушди.

Шиддатли ва ҳужумкор руҳда ўтган ўйинда ҳар иккала жамоа учун ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Бинобарин, 12-дақиқада ироқликлар ҳисобни очишга муваффақ бўлишди. Ховар Муҳаммад берган аниқ зарба туркманистонлик футболчиларни доғда қолдирди. Бироқ, орадан кўп ўтмай Владимир Байрамов ҳисобни тенглаштирди.

Биринчи бўлим 1:1 ҳисобида якунланди.

Иккинчи бўлим ҳам худди биринчи таймдаги каби «сценарий» асосида кечди. Дастлаб ироқлик чарм тўп усталари олдинга ўтиб олишди, рақиблар эса яна тенгликни вужудга келтиришди. Фақат ўйин охирида 88-дақиқада Ироқ термаси ҳужумчиси Қусай Мушр киритган тўп, ушбу жамоанинг 3:2 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади ва ироқлик футболчилар дастлабки уч очкони қўлга киритдилар.

Сўнг Ўзбекистон ва Саудия Арабистони терма командалари ўзаро куч синашишди.

Шуни айтиш керакки, Осиё қитъасининг энг кучли терма жамоаларидан бири — уч карра Осиё чемпиони, икки марта жаҳон чемпионатларининг финал босқичларида иштирок этган Саудия Арабистони футболчилари гуруҳдаги бизнинг энг жиддий рақибимиз эди. Ва футболчиларимиз гуруҳдаги ушбу ҳал қилувчи ўйинга шунга яраша пухта тайёргарлик кўришди. Рақибларининг кучли ва заиф томонларини обдон ўрганиб чиқиб, ўйин тактикасини танлашди.

Ўйинни ҳужумлар уюштириш билан бошлаган футболчиларимиз 13-дақиқадаёқ муваффақиятга эришишди. Легионер футболчимиз Александр Гейнрих чамаси 25 метрлардан туриб тўпни кучли ва аниқ зарба билан дарвозанинг чап бурчагига киритишга муваффақ бўлди ва биринчи бўлим шу кичик ҳисоб билан ниҳояланди.

Иккинчи бўлимда рақибларимиз қанчалик ҳаракат қилишмасин, ҳимоя чизиғимиз ва дарвозабон Евгений Сафоновнинг бехато ўйнаши туфайли ҳисобни ўзгартира олишмади.

Шундай қилиб, гуруҳдаги ҳар иккала ўйинни ҳам ғалаба билан якунлаган футболчиларимиз 6 очко жамғарган ҳолда муддатидан олдин чорак финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Гуруҳдаги сўнгги ўйинни футболчиларимиз 26 июнда Туркманистон терма жамоаси билан ўтказадилар. Қолган гуруҳларда дастлабки тур ўйинлари қуйидаги натижалар билан якунланди: «В» гуруҳи. Жанубий Корея—Иордания — 0:0, Қувайт—Бирлашган Араб Амирликлари — 3:1. «Д» гуруҳи. Япония—Оман — 1:0, Эрон—Таиланд — 3:0

«А» гуруҳидаги жамоалар эса иккинчи ўйинларини ўтказишди. Бунда Хитой термасининг Индонезия футболчилари устидан 5:0 ҳисобидаги йирик ғалабасини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Баҳрайн-Қатар ўйини эса 1:1 ҳисобида якунланди.

Дастлабки натижалар таҳлилига кўра, мутахассислар Жанубий Корея ва Япония каби кучли жамоаларнинг ўйинларидан қониқиш ҳосил қилишмади. Эрон термаси эса доимгидай кучли таркиби билан ажралиб турибди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

*Бўш вақтингизда*

# «МАЪНАВИЯТ ЮЛДУЗЛАРИ» БОШҚОТИРМАСИ



**Шаклдаги рақам атрофига белгиланган хонадан соат мили йўналишида:** 1. Ҳадис илмининг билимдони, «Ал жомеъ ас-саҳиҳ» асарини ёзиб қолдирган ватандошимиз. 2. «Муаллими соний» (иккинчи муаллим) номини олган Марказий осиёлик қомусий аллома. 3. «Ҳиндистон» асари муаллифи, илк глобус ихтирочиси бўлган қомусий олим. 4. «Қариликка қасида» асарини ёзиб қолдирган тожик ва форс мутафаккир шоири. 5. «Ҳусайний» тахаллуси билан ғазаллар ёзган ижодкор, темурийзода ҳукмдор. 6. «Туркий гулистон, ёҳуд ахлоқ» асари муаллифи, маърифатпарвар шоир, драматург. 7. XVII асрда яшаб ижод этган ўзбек шоири. 8. Алишер Навоийнинг кўрсатмаси билан «Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи» нодир асарини ёзган тарихнавис. 9. Ўзбек тилида ҳам ижод қилган туркман шоири. 10. Асарлари билан туркий тилнинг қудратини асослаб берган озарбойжон мумтоз шоири. 11. «Девони ҳикмат» асари муаллифи, илк туркий забон мутасаввуф шоир. 12. Ўзбек маърифатпарвар шоири, ҳажвиёт устаси. 13. Хамсачиликка асос солган мумтоз мутафаккир шоир. 14. Эронлик ўрта аср ғазалнавис шоири. 15. Ўзбек адабиётида мухаммаслардан девон тузган ягона шоир ҳисобланувчи Китоб шаҳрилик XIX аср маърифатпарвар ижодкори. 16. Ўзбек ғазалнавис шоираси, тарихий достон муаллифи.

## МУАММОНОМА

**Очқич сўзлар:** 1. «Хапалак» шеърини ёзиб қолдирган ўзбек шоири — 10, 3, 5, 10, 8, 12.
2. Бадиий ижод соҳаси — 7, 3, 6, 10.
3. Бирликнинг қисми, миқдор — 13, 3, 11, 12.
4. Сўзлашув воситаси — 9, 2, 1.
5. Қадимий маъмурий бирлик — 4, 14, 1, 2, 11.
6. Кўҳна ёзув анжоми — 17, 16, 15, 9.

Шакл марказидаги рақамларни очқич сўзлари жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан ўзбек шоири Шавқий Каттақўрғоний ёзиб қолдирган ҳикматли сўзларни билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.**

### Газетанинг шу йил 16 июль сонида берилган топшириқли сканворднинг жавоблари:

Алоқа. Мадад. Ирода. Сабаб. Лавҳа. Булут. Хамса. Жамна. Тайга. Кураш. Саҳна. Ашула. Масал. Банан. Лаққа. Кўкўт. Бахши. «Дамас». Парда. Патир.

**Айланаларда. Одоб ҳуснга — ҳусн қўшади.**

«Радиодеталлари» дўкони ҳар хил турдаги радиодеталлари, электрон техникаси, аудиовидео ва ўлчаш аппаратураларини харид қилади ва сотади.
**Телефон: 68-93-93.**

Ўзбекистон Республикаси Матбуот қўмитаси томонидан «Жаҳон адабиёти» журналига 1998 йил 25 июнда берилган № 00172 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-809. 1 2 3 4 6